

Она юртинг — олтин бешигинг

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 69 (6811)  
1997 йил, 6 сентябрь, шанба

Сотувда эркин  
нархда

Фурур

## ОЗОДЛИК БОЛАСИ

...Кузларимиз осмонида отаётган тонглар энди бир ажиб саболи, шабнамлар энди бир эрка...

Ердан осмонга қадар, утмишдан келажакка-ю вужуддан кунгилга қадар бир нафас оғиб келмоқда.

Бу озодлик ва эркининг нафасидир!

Бу эрка азиз булган маконнинг болаларининг кузларида эркининг ёғдуларини, ҳароратида Ватан туйғусининг тафтиларини илғайди кунгил. Кузларига ҳайрат инган жажжи Дилфуза бийрон сузлайди.

— Холажон, бизнинг байроғимизда 12 та юлдузча бор экан, яна байроғимизда менинг куйлакчамнинг рангидан ҳам бор экан. Ойим айтдиларки, агар шеър ёдла-сам, менгайм байроқча беришаркан.

— Узи сен шеър биласанми? — дейман уни эркалаб.

У қўлчаларини икки ёнига ташлаб, ра-вон шеър уқий бошлайди.

— Қуёш бўлсин, ой бўлсин.

Ўзбекистон бой бўлсин,

Менга атлас, укамга

Гижинглаган той бўлсин!

— Айланай бийроним, бегуборим!

Бугун қуёшу ойнинг омон бўлмоғини истаётган қалбинг эрта озод юрт осмонида қуёшдек нур сочмоқни тиласа не ажаб? Бугун юртга бойлик истаётган юракчанг Ўзбекистоннинг асл бойлиги булса не ажаб? Бугун атласу тойчоқ сураётган қалбинг шу азиз Ватаннинг остоналарига қадар атлас тушаб, гижинглаган тойчоқлар-да келатган Алпомишларини кутиб олса не ажаб?

Сенинг шуқуҳларинг узгача, сенинг айтар шеърларинг гузал. Чунки сен озодлик фарзандисан!



Устоз минбари

## МЕН ЖИЛҒАДЕК ШОШДИМ ДАРЁГА

Биринчи муаллимим Убайдулло  
Неъматовга

Устоз, болалик ҳам ўтди жилғадек,  
Дарёга шошилиб, қўшилмай қолди.  
Гарчанд шўх, гоҳида хазин ҳаводек  
Одамлар қалбига оташ, қўр солди.

Алифбо сирлари бўлиб бир сабоқ,  
Бегубор кунгилга тугён солган чоғ,  
Ишончлар, қувончлар китобдан тушиб,  
Мурғак тасаввурни айлай олди оқ.

Мен ҳамон истайман сиздек бир устоз,  
Бир меҳр кутаман, қўлимда қалам.  
Ҳақиқий дўст топсам қилганча эъзоз,  
Қоғоздан қочади андуҳим, нолам.

Ҳамиша ҳамроҳим нафис шеърят,  
Сиз берган туйғуни айтаман ёниб.  
Шогирдлар устозга қилса хиёнат,  
Илоннинг ёғини яласин қониб...

Болалик жилғадек шошди дарёга,  
Сиз уммон, сиз битмас туганмас баҳр.  
Сиз десам, қувончим тошди дарёдек,  
Сиз каби устоздан дилда ишқ, фахр!  
Рамазон БАҚОЕВ,  
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги  
Алишер Навоий номили  
мактаб ўқитувчиси.

ИБРАТ

Ш.Рашидов тумани-даги У.Юсупов номли 14-урта мактаб ўқувчи-лари фермер Холму-ҳаммад ака Суюновни жуда яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Бу бежиз эмас, албатта.

ёрдам беради.

Айниқса, ёзги таътил даврида Холмуҳаммад ака ажойиб ташаббус би-лан чиқди: қизи Малика Суюнова ўқийдиган 8 «А»-синфхонасини тўлиқ

мамнун бўлган ота-она-лар: «Яшанг, Холмуҳам-мад фермер!» дейиш-са, шу синф ўқувчилари уларнинг синфдошлари Маликанинг саҳий дадаси саҳоватли инсон экани билан фахрланиб юлишибди.

Мактабда янги ўқув-чили бошланиши танта-насида фермер Холму-ҳаммад ака ҳам ишти-рок этди ва сўзга чиқиб, аълочиларга ўзининг ҳар чорак якунида сирли совғаси борлигини айтди. Бу совға (бизга шивирлаб айтиш-ларича) «Тонг юлдузи» газетасига уларни обуна қилиб бериш экан...

Абдуманноп АЗИМОВ,  
махсус мухбиримиз.

## Шу сонга хабар

### ҲАР МАКТАБГА КАМИДА ЎНТА ГАЗЕТА

Зафаробод туман халқ таълими бўлими бошлиғи Иззатулла ака Ҳотамовнинг бизга хабар қилишига кура, келгуси йил «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлишга утган йилдагидек чап куз билан қаралмайди. Буни ҳокимият алоҳида назоратга олади. Шу кунгача бюджет маблағлари ҳисобидан эллик нусхада «Тонг юлдузи»га обуна қилинди.

Тумандаги ҳар бир мактабда камида ун нусха «Тонг юлдузи» газетаси олинishi кузда тугилмоқда. Бунинг учун туман раҳбарлари ички имконият ва резервларни қидириб топишмоқда.

Махсус мухбиримиз.



ФЕРМЕР ОТА  
СУМ МАМЛИ

«Ҳосил» хусусий деҳқон-фермер хўжалиғи раҳ-барни Холмуҳаммад ака мана уч йилдирки, маз-кур мактаб ўқувчили-рига раҳнамолик қил-япти. Кам таъминлан-ган оилалар фарзанд-ларига ўқув қуроплари сотиб олишда мактаб маъмуриятига яқиндан

таъмирлаб беришни уз-зиммасига олди. Ана шу мақсадда ун минг сўм маблағ ажратди. Шунинг натижасида ўқитувчи Нурсулв Бойқупова раҳ-барлик қилаётган синф-хона мактабда биринчи бўлиб юқори сифатда таъмирланди. Бундан



— Биринчи баҳоим —  
**БЕ-Е-Е-Ш!**

Р. Альбеков фотолавҳаси.

### Хайрат

## ОЙ БИЗ БИЛАН БИРГА ЮРДИ

Сиз узоқ сафарга чиққанингизда айниқса тунда, ойни кузатганмисиз? Тун қўйнида ортингиздан фақат сизга эргашиб, сиздан бир қадам ҳам орқада қолмай шиддат билан сузиб келаётган ой ҳақида нималар дея оласиз?

Мовий осмон ҳар галгидек юлдузларга тула. Осмон бағри шунчалик кенг, шундай беғуборки, ҳатто унинг олам деган ёруғ бағрига ловуллаган қуёш ҳам сиққан. Кундуз куни биз қуёш нурларидан, тунда эса ой шуъласидан баҳра оламиз. Оламнинг бу бетакрор гузаллигидан — Муъжиза-корлигидан ҳамиша коинотнинг беминнат хизматидан хурсанд буламиз.

Тоғли йўллар, узоқ манзил инсонни табиатни янада яхшироқ билишга, уни севишга ва ардоқлашга чақиритишга иқрор булдим. Айниқса, болалар ниманидир синчиклаб текшириб келаётганини куриб, фикрлашга урганганининг гувоҳи ҳам буламиз.

Моҳира, тун булганлиги учунми, ҳар қалай, сафар давомида ухламай атрофни кузатиб келарди. Бирдан машина ойнасида тун қўйнида биз билан бирга катта тезликда осмондаги ой сузиб келаётганини ҳаяжон билан айтди. Негадир мен ҳам ой ростдан ҳам биз билан бирга эканлигига ишондим ва уни кузата бошладим. Худди шу топда ой ёруғи фақат биз учун, фақат бизга эргашаётгандек эди.

Осмонуна тоғлардаги довлоннинг энг баланд чуққи бағридаги қисмига етганимизда биз ойни йўқотиб қўйдик. Чунки баланд тоғлар ортида қолган ой бизга қуринмасди. Равон йўллар бошланиб, дарё ва кенгликларга чиқиб олганимизда ойни уйлаб хомуш бораётган Моҳира яна севинчдан энтикиб кетди.

— Ойи, қаранг, ой яна бизга яқинлашди.

Унинг севинчи шу қадар самимий, шундай беғубор эдики, мен уни сўз билан таърифлаб бера олмайман.

Моҳиранинг кўнглида ой худди уни яхши куриб қолганга ухшарди. Майли, ой унинг кўнглини қувончларга тўлдирсин, ойга нисбатан эртақлардаги муъжизага, афсоналарга булган ҳурмат ва ишонч Моҳирани асло тарк этмасин. Замин узра тиниқ осмонимиз ҳамиша юлдузларга тула, ёруғ ва мовий булаверсин. Тунда ором билмай ёруғ келажакни, нурли йўлларимизни ой доимо равшан қилaversин!

Маъмура МАДРАХИМОВА.

Болалар — жамиятнинг энг кўп имкониятларига эга булган гуруҳидир!..

Бундай фикрнинг қанчалик тўғри ва ҳақ эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Қадим замонлардан ҳозирга қадар болалар қайси халққа дахлдорлиги, ирқи, диний иқтидори ва давлат тизимидан қатъи назар, ҳамиша эътиборда булишган. Жамият аъзолари уларнинг тарбия ва таълими учун масъул эканликларини ҳис қилишган.

Ота-боболаримизнинг қадимги мақолларидан бири-

лангизга қарасангиз булмайдими», қабилда иш курадилар, сизни мулзам қиладилар. Бундай қарашлар эса аслида оилага ҳам, маҳаллага ҳам, мактабга ҳам, жамиятга ҳам зид ишдир, албатта.

Эндиликда болалар тарбиясига муносабат бутунлай янгича маъно ва мазмун касб этган. Республикамиз мустақил булгач, болаликни ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш ва тарбиялаш соҳасида бир қатор тadbирлар белгила-ниб, амалга оширилди. Ўзбекистон мустақиллигининг ет-

### Ўсмир ва жамият

## Қўз қорачиғимиз

да шундай дейилган: «Агар сенинг режаларинг бир йиллик булса, бугдой эк, агар сенинг режаларинг ўн йиллик булса, дарахт эк, агар сенинг режаларинг асрга тенг булса, болаларни тарбияла».

Демак, болалар тарбияси утмишда ҳам, ҳозир ҳам энг муҳим, энг долзарб масала булиб келган. Болалар нафақат ота-оналарнинггина эмас, балки давлатнинг ҳам буюк келажатидир.

Халқимизда «Етти қўшнинг — етти ота-онанг» деган нақл бекорга айтилмаган. Қадимдан яқин-яқингача ҳам болалар ўзларидан катта одамлар ёнидан саломсиз ўтса, шўхлик қилса, унга танбех берилган, тартиб-интизомга чақиритилган, тўғрироғи, тарбия учун каттаю кичик масъул булишган. Шунинг учун улар комил инсон булиб етишганлар. Ҳозир ҳам шундайми? Куча-қўйда, маҳаллада, жамоат жойларида шундай салбий ҳолатлар рўй берса, уларни баъзи ота-оналар куриб-кўрмасликка солишади. Юз келиб танбех берсангиз, болаларини тартибга чақирсангиз: «Сизни нима ишингиз бор, ўзингизнинг бо-

тинчи йилига қадам қўйди. Шу муддат ичида болалар ва ёшлар муаммолари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. «Соғлом авлод учун» дастури амалга оширилмоқда. Бу миллатимиз келажagini порлоқ бўлишига хизмат қилмоқда.

Жамиятнинг соғломлиги вояга етётган авлодни жисмонан ва маънавий соғломлигига боғлиқдир. Республикамиз Президенти Ислам Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган нутқида бу масалага жиддий эътиборни қаратиб, бундай деган эди: «Биз соғлом авлодни тарбиялаб етиштиришимиз зарур. Соғлом инсон тўғрисида сўз юритилганда, биз нафақат жисмонан соғломликни, балким, улуг умуминсонийлик ғоялари руҳида тарбияланган, мустаҳкам ахлоқий нормаларга эга булган инсонни назарда тутамиз».

Халқ фаровонлигини мустаҳкамлаш учун маънавий-ахлоқий жиҳатдин тайёрми? деган савол туғилиши табиий. Кейинги пайтларда ҳаётимизда юз бераётган иқтисодий-

сиёсий ўзгаришлар, фикрлар хилма-хиллиги, болалар тарбиясига ута бефарқ қарашлик, янгиланиш муаммолари ёшлар онгига таъсир этмай қолмади. Тўғрироғи, ёшлар ўртасида билиб-билмай қиляётган ишлари туфайли жиноятчиликлар содир бўлмоқда. Бунинг сабаблари маълум: ўқувчилар дарсдан буш вақтини бекор ўтказиш ёки уларни ўзлари севган ўйин ва ишлар билан шугулланишлари учун яхши шароит яратилмаганлиги, ота-оналарнинг кўпчилиги эса турмуш тақозоси билан у

ёки бу ташкилотда иш билан банд бўлиб, фарзандлари тарбияси билан қизиқмаганликлари оқибатидир. Баъзи ота-оналар фарзандларини фақат яхши куриш, кийинтириш, еб-ичириш билан шугулланишади. Уларнинг ўқишдаги ютуқ ва камчиликлари билан сира қизиқишмайди. Уларнинг тарбиясига лоқайд қарайдилар. Уларнинг фикрича, бола тарбияси билан фақат мактаб шугулланиши керак эмиш. Наҳотки баъзи ота-оналар фарзанд тарбиясига шунчалик лоқайд қарасалар, маънан тубан булсалар? «Қўш уясида қўрганини қилади» деган нақл аслида тубан ота-оналарга қарата айтилмаганмикин?

Огоҳ булинг, одамлар! Ота-оналар, бувилар ва боболар, ўқитувчи-тарбиячилар, нури дийдаларимиз булган болаларимизни эҳтиётлаб тарбиялайлик, токи улар мустақиллигимиз маънавиятига мос фуқаролар булиб етишсинлар. Ахир, улар бизнинг кўз қорачиғиларимиз-ку.

**Ашурали АҲМАД,**  
Тошкент шаҳар  
ҳокимияти ҳузуридаги  
матбуот маркази  
бошлиғи.

### «МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ» САБОҚЛАРИ

«Бошингга қилич келганда ҳам ростини гапир» дейди доно халқимиз. Бу ҳикматда жон бор. Агар эсласангиз, сиз ўқиган ҳар бир эртақ-афсоналарда ёлғончилик қораланиб, ростгўйлик улуғланади. Бу икки атоқ қурашида ҳамиша ростгўйлик ғолиб чиқишидан

хабарингиз бор. Ёлғончилик инсон обрўсини тўқади, ростгўйлик эса уни тўғри ва ёруғ йўлга бошлайди. Шундай экан, келинг, ушбу ҳикматларни ўқийлик-да, улардан ўзимизга тегишли хулоса чиқарайлик.

### РОСТГЎЙЛИК

Ҳар кимнингки сузи ёлгон, ёлгонлиги билинганча, уятга қолган. Ёлгонни чиндек гапирувчи сўз устмони — қумушга олтин қоплаб сотувчи заргар. Ёлгон афсоналар билан уйқу келтирувчи ёлгончи — уйқуда алаҳловчи. Ёлгон гапирувчи гафлатдир. Сўзнинг бир-бирдан фарқи кўпдир, аммо, ёлгондан ёмонроқ тури йўқдир.

Ёлгон гапиритиш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиги ёмон туюлиш ўрнига, кишиларни алдагани билан фахрланади ҳам. Ёлгончи — ҳақ қўшида гуноҳдор, халқ олдида — шарманда.

Кимки, ёлгон сузни бировга тўнкагай, ўз қора юзини етга булайди. Озгина ёлгон ҳам улут гуноҳдир, озгина заҳар ҳам ҳалок қилувчидир...

Болалар, юқорида келтирилган

фикрларда ростгўйлик ҳақида ҳеч нарсаяйтилмабди-ку, деб ажабланишингиз табиий. Хайрон бўлманг, чунки, ўша фикрларнинг тескарисини ростгўйлик ҳислатига дахлдордир. Келажакда ўз қиёфасига, ўз ўрнига, ўз номига эга бўлманг, деган одам, фақат, рост сўзламоғи керак. Зеро, ростгўйлик ҳар қандай кўнгилсизлиқнинг олдини олади. Сизнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ҳикоятимиз ҳам шу хусусдандир.

### ҲИКОЯТ

Қадимги араб ҳокимларидан Ҳажжож бир кишидан газабланиб, уни қаматтирди. У кишининг қариндошлари Ҳажжож ҳузурига келиб:

— Қариндошимизни қилган айби учун қамангиз. У девона, жинни кишидир. Девонанинг сузи, қилган ишига эътибор бе-

рилмайди. Шунинг учун уни озод қилишингизни утинимиз — деб илтимос қилдилар.

Ҳажжож уларга:

— Сўзингиз тўғри булса девона, жинни эканини буйнига олсин, дарҳол қамокдан озод этаман, — деди.

Маҳбуснинг қариндошлари қамқўхонага бориб, унга Ҳажжожнинг шартини айтдилар. У одам Ҳажжожнинг шартини эшитганча, газабланиб:

— Менинг ақл-хушим жойида, соғ-саломат эканман, нега девоналикни буйнимга оламан? Ҳажжож мени нима қилса қилсин, унинг шартини қабул қила олмайман, деб рад жавобини берди.

У одамнинг сузларини Ҳажжожга етказдилар. Ҳажжож унинг жавобидан завқланиб, тўғрилиқда қатъий йўл тутгани, ростгўйлиги учун қамокдан озод қилди.

— Муҳаммад ака, сиз бошқараётган «Оила ва жамият» газетасини Мустақилликнинг ҳақиқий меваси деб ҳисобласак янглишмаймиз. Чунки у, 1991 йил 1 — сентябрда, Мустақиллик эълон қилинган куни дунё юзини кўрди ва унинг биринчи сони ўқувчиларга етиб борди.

— Тугри айтасиз, мана шу кундан бошлаб газетамиз халқимиз билан, жамиятимиз билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиб келмоқда.

— Нега газетангиз «Оила ва жамият» деб аталади?

— Ҳар бир жамиятнинг асосида, негизида оила ётади. Инсоният дастлаб пайдо бўлганида Одам Ато ва Момо Ҳаво онамиз оила қуришганди. Бу оила кенгайиб, бора-бора жамиятни ташкил қилди.

Мустақиллик эълон қилиниб, янги, ўз йулига эга бўлган жамият қуриш мақсад қилиб олинган, ҳурматли Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг дастлабки бошлаган ишлари оилаларга, болаларга ғамхўрлик қилиш бўлди. Оилалар мустақамлиги, болалар тарбияси, равнақи, ёш келин-куёвларнинг мустақил ҳаётга илк қадам қўйишлари, ҳуллас маиший мавзуда оиланинг узига хос дунёсини



Орзуларинг улғаяр,  
Улғаясан ўзинг ҳам.  
Тийраклашар осмондан  
Ерга боққан кўзинг ҳам.

Ҳозир ҳайратинг бўлиб  
Сени кутган тайёранг  
Эрта сенга меҳрини  
Жойлар она сайёранг...

нинг сиёсатдан тамоман ҳоли турмуши, шахсий дунёси борлиги инобатга олинмасди.

Газетамиз оила ва жа-

дек болалик насими юзга урилади. Ўзимни ёш болага айланиб қолгандек сезаман. Мактаб йиллари ушбу газетада

ган бўлса ажабмас.

— Болалигингизда кимга ўхшашни орзу қилардингиз?

— Актёр Ёдгор Саъдиевга. Лекин йиллар утгани сайин қаҳрамонлар ҳам узгараркан. Кейинчалик ўзим ҳавас қилган инсонлар билан учрашдим. Шогирд бўлдим. Устоз-сиз ҳаётда яшаб бўлмаслигига минг бор иқроор бўлдим. «Устоз кўрмаган шогирд минг мақомга йурғалар» дейишгани мутлақо тугри. Агар заррача фазилатим бўлса, бу устозларимнинг улкан меҳнати самараси деб биламан.

— Болаларингизга доимо берадиган насиҳатларингиз борми?

— Яхши тарбия наслни тозалайди. Мен болаларим усган сайин ўзимни имтиҳон дарвозасига яқинлашайтган одамдай ҳис қиламан. Болаларимни жамият қандай қарши оларкин, қандай кутиб оларкан деган ҳадик доимо дилимни безовта қилади.

— Ёш ижодкорлар нималарга эътибор беришини хоҳлайсиз?

— Ёзувчининг буюклигини ёзишга усталити эмас, эътиқодининг пухталиги белгилайди.

— Дунёда энг зўр адабиёт қайси адабиёт?

— Иймон ва тавҳид гоёсига суянган адабиёт.

— Фарб адабиётига тақлид қилганмисиз?

— Дастлабки туркум шеърларим, машҳур бир шоирнинг «Оқ йул»и билан «Адабиёт ва санъат» газетасида чиққанда, хурсанд бўлиб газетани бир ой кутариб юрганман. Ва ниҳоят қишлоққа бориб, онамга ўқиб берганимда, онам хурсанд бўлганини, лекин ҳеч нарса тушунмаганлигини яширолмадилар. Мен учун энг севимли инсон, қалбимнинг қури, кўнглимнинг гавҳари бўлган шеърларни тушунмагани роса алам қилган. Сабабини изласам, айб шеърда эмас, Европача шаклланган онгим, шууримда экан. Шу-шу тукқан онам-

ни менга бегона қилган европача тафаккурдан нафратланадиган ва европача тақлид қилиб шеърлар ёзмайдиган бўлдим.

— Адабиёт ўзи нима?


— Адабиёт мангулик қадар кучли. Мавжудликдир. Ва шу билан шу қадар ожизки, ҳатто одоб ва ахлоқ ҳақида ёзган ёзувчининг ўзини ҳам одоб ва ахлоқли қила олмайди.

— Ватан ҳақида ҳам..

— Бизнинг Ватанимиз бепоён. Азон янграб турган жойларни ўз ватаним деб биламан. Ўзбекистонни ўз онамни севгандай севаман.

— Ижодкор сифатида бизга бирор қизиқ нарса айтиб бераоласизми?

— Келинг, бир хангомани айтиб бера қолай. Беш-олти киши, меҳмонга борган экан. Зиёфат жуда қуюқ бўлибди. Биринчи таом ейилибди, иккинчиси, кейин учинчиси. Ҳамманинг димоғи чоғ. Кекиришиб уринларидан жилмоқчи бўлишган эканлар, мезбон тухтатиб қолибди. Қулида барра қузи гуштидан зира ҳиди анқиб турган тандир кабобини катта лаганда шарт олиб келиб дастурхонга қўйибди. Ҳамманинг оғзи очилиб қолибди, ейлик деса қоринлари тўқ, емайлик деса таомнинг хушбўй ҳиди нафсларни уртаб юборган. Шунда бир меҳмон қулини кукка



чузиб: — Эй, худо, ё жонимни ол, ё қорнимни катта қил! — дермиш.

— Газетамизга тилакларингиз?

— Илоҳо, ўқувчиларингиз сони яна аввалгидай миллионларга етсин!

**А. АБДУГАППОРОВ**  
суҳбатлашди.

Муҳаммад Исмоил:

## «Ўқувчиларингиз миллионларга етсин»

еритадиган ва уни жамият миқёсига олиб чиқадиган вақтли нашр мустақиллик давригача ҳали йўқ эди. Турғунлик даврларида сиёсат мутлақо бошқа, одамлар жамиятнинг фақат бир элементи сифатида қаралар, оилавий, шахсий ҳаёт ҳам борлиги, инсон-

миятнинг чамбарчас боғлиқлиги йулида тинмай меҳнат қилишини ўз буйнига олганлиги учун шундай ном билан аталади.

— Бизнинг газетамиз ҳам сизга ёқадими?

— Албатта. Газетангизни очишим билан бир кучоқ гул-

чоп этган шеърларим ва у бахш этган қувончли онлар ёдимга тушади. Уша йиллари битта шеърим чиққани учун юзлаб болалардан хат олганман. Узаро ҳамжиҳатлик шу даражада кучли эди. Шу хатларнинг далдаси ва кайфияти мени журналистикага бошла-

## МЕНИ ТУШУНИШЛАРИНИ ХОҲЛАРАДИМ...

Дугоналарим билан йиғилишиб Соҳибанинг туғилган кунига бордик. Ҳовлига кириб боришимиз билан Манзура опа ошхонадан қўлларини сочиққа артган ҳолда бизга пешвоз чиқдилар: «Келинглари, она қизларим, боламнинг орқасидан йўқлаб келувчиларимдан ургилай», — деб бизни меҳмонхонага бошладилар. Дастурхон жуда тукин эди. Соҳиба доимо онасини «Ойимлар жуда пазандалар», — деб мактаганлари ростлигига ишондик. Ҳаммамиз уялибгина дастурхон атрофидан жой олдик. Манзура опа ҳол-аҳвол сурашиб бўлгач, «Сизлар бемалол ичиб утиринглари. Мен ортиқча халақит бермай», — деб чиқиб кетдилар. Уртоқларим Манзура опанинг ширин суз-

лиги, меҳмондўстлигига ҳаваслари келганда менинг кўнглимдан бошқа гаплар утарди... Нима гап дерсиз?

Биз кўп қаватли уйда турамиз. Ойимлар ишлайдилар. Мен укам билан кечгача уйда иккаламиз. Тугри, бекор утирмаймиз.

### Қулоғингга гапим бор

Ойимлар буюриб кетган ишларни бажарамиз, дарс тайёрлаймиз. Ҳар куни бир хил машғулот бир оз зерикарди. Уртоқларимни уйга таклиф қила олмаймиз. Ойимлар руҳсат бермайдилар. Дугоналарим кирса уйлар бесаранжом бўлиб кетармиш. Агарда дугоналарим мени чақириб келишса ҳам остонада

туриб қолишади. Ойимлар: «Шу ерда тура-тур. Ҳозир уртоғинг чиқади», — деб муомала қиладилар. Шу пайтда мени ҳижолат бўлишимни кўрсангиз эди. Уртоғимни уйга таклиф қилиб, суҳбатлашгим келади, лекин... Укам ёш бўлгани учун кучага чиқиб уртоқлари билан уйнаб келади. Мен эса... Куча-қуйда дугоналарим билан тушганиб туришни ҳам ойимлар хуш кўрмайдилар. «Қизлар учун бу одобдан эмас», — деб дакки берадилар. Ҳар доим дугоналаримникига бораверишга ҳам ҳижолат қиламан.

Хуллас, ойимлар мени тушунишларини хоҳлардим.

**Камола АЗИМОВА.**  
Тошкент шаҳар,  
Сирғали мавзеси.

Ризқ

## БАЛИҚЧАЛАРГА — ОНА ҚУШ

Американинг Шимолий Каролина штатида яшовчи олим мир Бакир ўз боғида сайр қилиб юриб ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлди.

Ўзал бир қуш ҳовуз ёнидаги дарахт шохига келиб қўнди, ва оғзидаги қурт ва чувалчанглари ҳовуз қирғиғига тушган балиқчаларга бера бошлади. Боғ эгасининг кузатишича, бу ҳол балиқчалар катта бўлгунча давом этаркан. Бу қушнинг балиқчаларга оналарча раҳмдиллиги олимни ҳайратга солди. Олим кузатган бу ҳолат Оллоҳнинг барча маҳлуқотларига ризқ бериши намунаси эмасмикан?

**Абдулаттоҳхожи НАБИХҲУЖА ўғли.**

## МАРҲАМАТ, ТАТИБ КҮРИНГ

Нимани деб ҳайрон бўлаяпсиз-а? Ҳайрон бўлманг, аввал узингиз меҳнат қиласиз, сунг меҳнатингиз маҳсулидан татиб кўрасиз-да.

Таътил кунлари мен бир неча хил салатлар тайёрлашни урганиб олдим. Истасангиз, сизга ҳам ургатишим мумкин. Истайсизми? Марҳамат. Булмасам, сизга тез ва жуда осон тайёрланадиган «Бақлажон салати» тайёрлашни айтиб бера қолай.

Бунинг учун 6 та уртача катталиқдаги бақлажон, 4 дона булғор қалампери, 5-6 та саримсоқ пиёз, 4 та қизил сабзи, бир боғ укроп, 4-5 та памилдори, уксус ва таъбга кура туз керак бўлади.

Ювиб, сувлари селгитилган бақлажон 1 см қалинликда парракланади ва қизиқ турган ёғда орқа олди қизартириб олинади. Сунг у совигунга қадар, орасига суртиш учун қийма тайёрлайсиз. Бунинг учун укроп, саримсоқ пиёз, булғор қалампери ва қизил сабзини майда қилиб туғраб, яхшилаб кертिलाди сунг 5-6 томчи уксус, таъбга кура туз солиб, аралаштирилади. Памилдорини эса юпка қилиб парраклаб туғраб, алоҳида бир ликопчага солиб қўясиз.

Шундай қилиб, тайёрлаган барча масаллиқларингизни олдингизга қўйиб, сунгги босқичга киришасиз. Биринчи галда пишган бақлажон парракларини кастрюлканинг тагига бир қатор терасиз, тайёрлаган қиймангиздан юзига суртасиз ва юпка памилдори парракларини териб, унинг ҳам юзига қийма суртасиз. Шу йусинда, бақлажон, ва памилдори парраклари тахлаб чиқилади ва совитгичга қўйилади. Дастурхонга тортаётганингизда ликопчаларга битта бақлажон битта памилдори парраги устма-уст қўйган ҳолда териб солинади. Хуш, қалай? Ёқимли хиди иштаҳангизни очиб юбордими? Марҳамат, энди эса меҳнатингизнинг ширин маҳсулидан татиб кўринг!

Гулноза МАҚСУДОВА,  
Тошкент вилоятидаги 25-мактаб ўқувчиси.



Кеча кўҳна ва навқирон Самарқандда халқаро мусиқа фестивали тантанали равишда якунланди. Ғолиблар муносиб тақдирланди. Келгусида бундай фестивални мунтазам утказиб туришга келишиб олинди.

## ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ

Азиз ўқувчилар! Қўйидаги саволларга жавоб топиб мусиқа санъатига оид билимингизни синаб кўринг.

1. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро фестивал мадҳиясининг шеъри қайси шоир қаламига мансуб, унинг мусиқаси муаллифи ким?

2. Ўзбек — тожик халқлари мусиқасининг мумтоз намунаси «Шашмақом» таркиби қайси мақомлар ташкил этади?

3. Ўзбек эстрада санъатининг устози таниқли хонанда Ботир Зокиров ижро этган қайси қушиқларни биласиз?

4. Энг ёш истеъдодли хонанда Дилшодбек Каттабеков ижросидаги «Озод элнинг ўғлиман» қушигининг шеъри ва мусиқаси муаллифларини биласизми?

5. Қайси миллий мусиқа асбоблари «тор» ва «най» сузлари билан аталади?

6. Қайси мусиқа асбоби айлана сирт атамасига ном-

дош?

7. Оналар ижросидаги қадимий қушиқ номидаги бир ҳарфни узгартириб, эстрада дастаси номини ҳосил қилин-чи.

8. Рақс дастаси йил фаслига «адаш» эканлигини биласизми?

9. Ганч, Фара, Макон сузларидаги ҳарфлар урнини алмаштириб мусиқа асбоблари номини ҳосил қилин-чи.

10. Ўзбекистондаги оловкорлар шаҳри номидаги ҳарфлар урнини алмаштириб, рақс номига айлантиринг-чи.

11. Қайси мақом яқин шарқдаги мамлакатга номдош?

## ХАҲДАМАР

Бозор эшиги олдида турган боладан қоп кутарган бир киши сурабди:

— Уғлим, анави автобус қай-қа бораркан?


— Шунинг ҳам билмайсизми, отахон, охиригача-да!

\*\*\*

Футбол пайтида Очил ёнидаги Ҳайдардан соат неча булганини сураганиди, у шундай деди:

— Дустим, биру нол!

\*\*\*



Мусиқа дарсида ўқитувчи охири партада утирган Самадга савол берди:

нинг қиёфаси қуринаверди. Кейин бирдан ҳаёлига дафтарчадаги «Бу усимлик талқонини киши организмиде синаб булармикан?», деган ёзув келди. Уйлаб кетди. Ҳаёлида, уша талқондан еб ухлаб қолганмиш, роса ухлаганмиш. Уни кургани машҳур олимлар, дустлари, ҳатто Салим билан Дилфуза ҳам келганмиш. У булса уйғонмасмиш. У ҳақда газеталарга ёзишганмиш, ҳатто ухлаб ётганини телевизорда ҳам курсатишганмиш. Уйғонганида ҳамма уни қутлаганмиш. Машҳур бўлиб кетганмиш.

У ширин-ширин ҳаёллар оғушида ухлаб қолди. Туш курди. Каттакон сарой ичида юрганмиш. Ҳамма эгилиб салом берармиш. Юриб-юриб тахтада утирган бир салобатли кишининг олдида бориб қолганмиш. Аввалига жим утирган уша киши кейин хо-холаб, қулиб шундай деганмиш:

— Ҳа, ҳа, хо... Обиҳаёт сувини мен ичмагандим, сен ичдингми-а? Ҳа, ҳа, хо... Кейин урнидан туриб келиб, ёқасидан ушлаганмиш ва даҳшат билан:

— Қоплонни нега ўлдирдинг?! — деб сураганмиш...

(Давоми бор)

### (Давоми.Боши ўтган сонларда)

Уйда Қосимжонни қувониб кутиб олишди. Хури хола:

— Болажонимдан айланай, қорайиб кетибсан-ку, — деб қучоқлаб юзларидан ўпди. Собиржон ака эса ўглининг қулини маҳкам қисиб, елкасига қокли:

— Балли, азамат. Роса куч туплагандирсан-а деди. Дилдора булса қучоқлаб олиб:

— Сизни иккала қўзим билан соғиндим, — дея эркаланди.

Ҳатто Қоплон ҳам унинг келганидан хурсанд бўлиб, роса вовиллади...

Эртасигаёқ Қосимжон уйлаб қўйган мақсадини амалга оширишга киришди. Аввало, галати усимлик новдасини қуёш нурида яхшилаб қуритди. Кейин уйда ёлғиз қоплонини пойлади.

Дадаси ишга, ойиси бозорга, синглиси боғчасига кетишгандан сунг эса, ошхонадан ховончани олиб чиқиб қуриган новдаларни яхшилаб янчди. Дафтарчадаги ёзувлар хотирасида қаттиқ урнашиб қолган эди, тайёр булган талқонга озгина шакар қушиб роса аралаштирди.

Кейин, қурқа-пйса, талқондан озгинасини Қоплоннинг идишига солди, товоқни ит-

нинг олдида суриб қўйиб, бир чеккада қараб турди.

Бир оздан кейин Қоплон товоқдаги таомини талқон билан паққос туширди. Оз фурсат у-

Ит улиб қолгандек ётарди. Қосимжон булса энди нима қилишини билмасди...

Абдужалил ЗОКИРОВ



май галати воқеа юз берди. Ит гинший бошлади, кейин ангиллаб юборди-да, ерга йиқилди. Унинг аъзой-бадани титрарди. Аста-секин баданидаги титроқ тухтаб, овози ҳам учди.

Қосимжон «итим улиб қолди» деган ҳаёлга бориб қурқиб кетди. Лекин, қузилиб ётган Қоплонга яқинлашиб, унинг кураги аста-секин сезилар-сезилмас кутарилиб тушаётганини сезиб, кунгли жойига тушди.

Кечкурун уйдагилар йигилишганда, «алдаётганим сезилиб қолмасайди» деган ҳаёлда, зур-базур:

— Билмадим, бир нима булди-ю, Қоплон улиб қолди, — деди.

Дадаси, ойиси, Дилдора роса ачининди.

Хонасига кириб, кароватига қўзилган Қосимжон алламаҳалгача ухлай олмади. Куз унгида титраб, гингишиб ётган Қоплон-

### ТОНГ ЮЛДУЗИ

#### Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

#### Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора  
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон  
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф  
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютериде терилди ва  
саҳифаланди. Оффет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0592.  
10960 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга тошпириш вақти 19.00  
Тошпирилди — 18.30  
Навбатчи муҳаррир Х.Аҳмедова

Руйхатдан утиш тартиби  
№ 000137  
Маълумият: 700083.  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.  
Нашр қурбаткичи: № 64563  
Телефон:  
1-33-44-25